

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДЖОНОВ АЗИЗ РУСТАМОВИЧ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ  
РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Ахмеджонов Азиз Рустамович**

Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш  
самарадорлигини ошириш..... 3

**Ахмеджонов Азиз Рустамович**

Повышение эффективности использования экономических ресурсов на  
предприятиях сферы услуг..... 27

**Akhmedjonov Aziz Rustamovich**

Improving the efficiency of using economic resources at service enterprises..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДЖОНОВ АЗИЗ РУСТАМОВИЧ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ  
РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt676 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Арабов Нурали Уралович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзаев Кулмамат Жонузоқович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Бобаназарова Жамиля Холмуродовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 09 кунини соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies\_info@edu.uz.

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (034 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies\_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 08 кунини тарқатилди.  
(2021 йил «27» 08 даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signature in blue ink)*

**М.Э. Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Н.Э. Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**М.М. Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сервис иқтисодиётининг кенгайиб бориши ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 65-80 %ни, илм-фан ва инновацион фаолиятни инвестициялашга сарфланаётган маблағлар ҳиссаси эса 3,0 %ни<sup>1</sup> ташкил этмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда иш билан бандлар улушининг 70,0 %дан ортиғи ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг 40,0 %и хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келмоқда<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибалар негизида корхоналарда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини модернизациялаш, хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳада ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, меҳнат ресурслари компетентлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш корхоналарида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда республикада хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини мунтазам равишда барқарор ривожланиши, уларнинг хўжалик фаолияти интенсивлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтиришни тақлиф этаман»<sup>3</sup> деб таъкидланган. Бу вазибаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш омилларини аниқлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва рақобатбардошлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий

<sup>1</sup> <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

<sup>2</sup> <http://stats.oecd.org/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>

ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги 246-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий муносабатлар, сервис иқтисодиётининг ривожланиши, иқтисодий ресурслар, меҳнат ресурслари шаклланиши муаммоларининг фундаментал асослари хорижлик олимлар<sup>4</sup>, жумладан, Кейнс Ж.М., Маршалл А., Фишер М., Эренберг Р.Д., Смит Р.С., Пигу А., Шумпетер Й.А., Друкер П.Ф. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишининг илмий-методологик жиҳатлари хорижлик олимлар<sup>5</sup>, жумладан: Кулибанова В.В., Мердик Р.Г., Романович В.К., Рендер Б.Р., Рассел Р.С., Коробкова С.Н., Кравченко В.И., Орлов С.В., Павлова И.П., Хаксевер К.Х. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э., Мухаммедов М.М., Зайналов Д.Р., Мирзаев Қ.Ж., Тухлиев И.С., Асланова Д.Х., Сафаров Б.Ш.<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

---

<sup>4</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс-Т.3. 1984. -119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987. -500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. - М.: Прогресс - Т.2- 1985. – 240 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия [Текст] / Й. Шумпетер: пер. с англ. предисл. В.С. Автономова. – М.: ЭКСМО, 2007. – 864 с.; Друкер П. Бизнес и инновации [Текст] / П. Друкер: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. - 350 с.

<sup>5</sup> Управление и организация в сфере услуг: теория и практика: Service Management and Operation – 2-е международ. изд. (пер. с англ. под науч. ред. В.В.Кулибановой) / К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик. – СПб, 2002. – 751 с.; Романович В.К. Сервисная деятельность: учеб. пос.: под общ. ред В.К.Романович. / С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова – 3-е изд. – СПб.: Питер, 2005. – 156 с.

<sup>6</sup> Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. «Зарафшон», 2009. - 66 б.- 4,1 б.т.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов Ш.А., Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув кўлланма.Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарқанд.1998.с.282; Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория. // «Сервис» журналы. Самарқанд: 2009, 1-сон. 70-77 бетлар. – 0,6 б.т.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 332 б.; Асланова Д.Х. Трудоёмкость продукции общественного питания и резервы её снижения: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.- Киев. 1992 – С. 20.

Шунингдек, иқтисодий ресурслар, меҳнат ресурсларини шаклланиши, меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги каби муаммолар Абдурахмонов Қ.Х., Абдурахмонова Г.Қ., Арабов Н.У. Зокирова Н.З., Умурзаков Б.Х., Худойбердиев З.Я., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В.<sup>7</sup> ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Аммо ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари атрофлича ўрганилмаган. Шунингдек, соҳада хизмат турларига боғлиқ ҳолда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик масалалари қисман ўз аксини топган. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №SIRB-02 «Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришнинг инновацион усуллари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«иқтисодий ресурслар» ва «меҳнат ресурслари» категорияларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллиф қарашларини шакллантириш;

хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тамойилларининг таснифини ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишнинг ташқи ва ички омилларини аниқлаш;

хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини таснифлаш;

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари динамикасини таҳлил этиш;

хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлилининг амалга ошириш;

---

<sup>7</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: «FAN», 2019. – 592 б.; Шодмонов Ш.Ш, Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 585 б.; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий хусусиятлари. Монография. – Т.: «LESSON PRESS» 2017. – 188 б.; З.Я.Худойбердиев, Н.У.Арабов ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. «ILMZIYO» 2016; Н.К.Зокирова Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. – Т.: «FAN», 2008.; Абдурахмонова Г.К. Аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлаш. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2017. – 131 б.

хизмат кўрсатиш корхоналарида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиш;

хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувни илмий асослаш;

сервис корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш омиллари ва йўлларини аниқлаш;

хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурслари компетентлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

хизмат кўрсатиш корхоналарида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш тармоқлари ва корхоналари хўжалик фаолияти олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, гуруҳлаштириш, индукция-дедукция, мантиқий ва таққослама таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик ва омилли таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошқарувнинг замонавий технологияларини жорий этиш, стратегик мақсадларга йўналтирилган харажатларни минималлаштириш ҳамда бизнес-жараёнларини моделлаштириш асосида сервис корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш орқали интенсификация ривожланишини таъминлаш тизими такомиллаштирилган;

хизмат кўрсатиш корхоналарида интеграл унумдорлик, маҳсулотнинг меҳнат сифими, хизматлар сифати ҳамда истеъмол талабини қондиришнинг статистик кўрсаткичлари асосида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи ишлаб чиқилган;

меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, ишчи-ходимлар ва асосий фондлар индекслари асосида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ривожланишнинг интенсификация ва экстенсив омиллари таққослаш орқали иқтисодий ўсишни интеграл баҳолаш усули такомиллаштирилган;

хизмат кўрсатиш корхонасида ходимнинг ўзгаришларга тайёрлиги, фаолиятни натижага йўналтирилганлиги, самарали коммуникация, профессионализм, тадбиркорлик лаёқати билан боғлиқ хулқ-атвор индикаторлари таснифини шакллантириш асосида мутахассиснинг корпоратив компетенция модели таққослаш этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида «иқтисодий ресурслар» ва «меҳнат ресурслари» категорияларининг



ижтимоий ва иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат бозори талабларини ҳисобга олиш, инсон капитални реализация қилиш асосида иш ҳақининг ўртача даражасини аниқлаш, самарали меҳнатни ташкил этишнинг потенциал имониятлари бўйича меҳнат жамоасида иш ҳақини табақалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

компетентли ёндашув асосида хизмат кўрсатиш корхоналарида персонални бошқариш тизимини модернизациялаш бўйича тадбирлар самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи математик модел персоналга харажатларнинг умумий ўзгаришини занжирли алмаштириш усули орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари компетентлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишларида илмий аппаратни бойитиш билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳага оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан «Иқтисодиёт назарияси», «Инсон ресурсларини бошқариш», «Хизмат кўрсатиш тармоқлар иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошқарувнинг замонавий технологияларини жорий этиш, стратегик мақсадларга йўналтирилган харажатларни минималлаштириш ҳамда бизнес-жараёнларини моделлаштириш асосида сервис корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш орқали интенсив ривожланишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш таклифи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги №01/00-04/07-7215-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

хизмат кўрсатиш корхоналарида интеграл унумдорлик, маҳсулотнинг меҳнат сиғими, хизматлар сифати ҳамда истеъмол талабини қондиришнинг статистик кўрсаткичлари асосида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил қилиш» бошқармаси амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги №01/00-04/07-7215-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун тадбиқ этилаётган кўрсаткичларни тизимлаштириш асосида уларнинг алоҳида йўналишлари бўйича фаолияти самарадорлигини аниқлаш имконини берган;

меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, ишчи-ходимлар ва асосий фондлар индекслари асосида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ривожланишнинг интенсив ва экстенсив омилларини таққослаш орқали иқтисодий ўсишни интеграл баҳолаш усулини такомиллаштириш таклифи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш» бошқармаси амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги №01/00-04/07-7215-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индексларининг мос равишда ўртача 1,14 ва 1,01 коэффицентга ошиши натижасида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индексини 1,1 коэффицентга оширишга эришилган;

хизмат кўрсатиш корхонасида ходимнинг ўзгаришларга тайёрлиги, фаолиятни натижага йўналтирилганлиги, самарали коммуникация, профессионалик, тадбиркорлик лаёқати билан боғлиқ хулқ-атвор индикаторлари таснифини шакллантириш асосида мутахассиснинг корпоратив компетенция модели Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги №01/00-04/07-7215-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш корхонасининг ходимга тақдим қилаётган талабларини конкретлаштириш ва натижаларни баҳолаш мезонларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, республика миқёсидаги 4 та ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертация ишининг «**Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ресурслари шаклланишининг моҳияти, мазмуни ва шаклланиш хусусиятларини тавсифловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида «иқтисодий ресурслар» ва «меҳнат ресурслари» категорияларининг ижтимоий ва иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, соҳада иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тамойиллари таснифланган ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишнинг ташқи ва ички омиллари аниқланган. Шунингдек, соҳада иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётини инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини мунтазам равишда барқарор иқтисодий ривожланиши уларнинг хўжалик фаолияти интенсивлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни зарурат этмоқда. Ушбу жараёнда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ошириш механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш, соҳа корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига эришиш, ишлаб чиқарилган хизматлар сифатини ва унинг натижадорлигини таъминлаш, хизматлар истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш вазифалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ривожланиб бориши ва рақобатбардошлигининг ошиши кўп жиҳатдан унда фойдаланиладиган ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини тавсифлаш учун иқтисодий ресурслар ва меҳнат ресурслари тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, республикамиз иқтисодиётининг трансформацияланиши шароитида иқтисодий ресурслар таркибида инсон омилига алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодий ресурслар – бу жамият (тармоқ, корхона) ихтиёрида мавжуд бўлган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни истеъмолчига етказиб беришда истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган табиий, моддий, номоддий ва инсон ресурслари мажмуи ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари – бу ўзининг руҳий, физиологик ва ақлий сифатлари билан моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан ташқари ёшда меҳнат қилаётган шахсларнинг йиғиндисидир. Иқтисодий ресурсларнинг барча турларига хос бўлган хусусият, уларнинг нисбатан чекланганлиги ва камёблиги ҳисобланади. Ресурсларнинг чекланганлиги истеъмол билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳам чеклаб қўяди. Бунинг натижасида ҳар бир корхона, мамлакат ўз имкониятларини ҳисобга олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳар бир турини бирданига эмас, унинг шу давр учун энг керакли бўлганларини танлаб кенгайтириш ва ривожлантиришга устунлик беради, ресурсларни биринчи навбатда уларга жалб қилади (1-расм).




1-расм. Иқтисодий ресурслар таснифи<sup>8</sup>

Ресурслар базаси хизмат кўрсатиш корхонасининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шартдир, чунки фаолиятнинг ўз вақтида ва тўлиқлиги,

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва хўжалик юритишнинг инновацион усуллари қўллаш имконияти иқтисодий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланилишига боғлиқ. Ресурслар базаси, биринчидан, оптимал стратегияни шакллантириш манбаи сифатида, иккинчидан, ташкилотнинг ташқи муҳитига таъсир этиш омили, учинчидан, ташкилот ҳаракатлари йўналишини белгиловчи омил сифатида гавдаланади.

Ресурслар қарорлар ва уюшган бизнес-жараёнлари орқали фаолият натижасини шакллантиради, яъни ресурслар ташкилот имкониятларини ташкилот мақсадларига эришишига айлантиради (2-расм).



**2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида интеграциялашган бизнес тузилмасида иқтисодий ресурслар ҳаракати<sup>9</sup>**

Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш тамойиллари ижтимоий ва иқтисодий қонунлар таъсирини ифодалайдиган ва улар фаолиятида амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларни реализация қилиш билан боғлиқ объектив, илмий асосланган қоидаларни акс эттиради. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш жараёнининг мақсадга йўналтирилганлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, меҳнат меъёрининг унга ҳақ тўлаш меъёрига мувофиқлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошишини иш ҳақи ўсишига нисбатан юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, иқтисодий самарадорликка эришишнинг рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш каби тамойилларга асосланиши соҳада иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида кадрлар салоҳиятининг шаклланиши бозорда чуқур рақобат муҳити шароитида самарали натижаларга эришиш имконини берувчи тадбиркорликни ташкил этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал

**Корхонада хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишнинг асосий функционал тизимлари<sup>10</sup>**

<b>Корхонада меҳнатни ташкил этиш тизимлари</b>			
<b>1. Хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш)ни ташкил этиш</b>	<b>2. Молиявий-иқтисодий фаолиятни ташкил этиш</b>	<b>3. Техник-технологик тузилмани ташкил этиш</b>	<b>4. Корхона ишчи-ходимлари меҳнатини ташкил этиш</b>
Хизмат кўрсатиш жараёнини режалаштириш	Техник-иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш	Функционал тузилмаларни ташкил этиш	Режалаштириш ва маркетинг тизими
Хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш) шакллари ташкил этиш	Асосий ва айланма фондларни бошқариш	Ташкилий тузилма	Ишчи-ходимларни ҳисобга олиш ва ёллашни ташкил этиш тизими
Хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш) фаолиятини тартибга солиш	Молиявий фаолиятни бошқариш	Хужжатлар айланишини назорат этиш	Ишчи-ходимларни касбга йўналтириш ва мослаштириш тизими
Хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш	Ахборот оқимлари ва коммуникациялар	Ишчи-ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш тизими
Моддий-техник таъминот ва сотиш фаолиятини ташкил этиш	Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш	Компьютерлар, оргтехника ва офис мебеллари	Ишчи-ходимларни мотивациялашни ташкил этиш тизими
Ишлаб чиқаришга транспорт ва логистика хизматини кўрсатиш	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Хўжаликлар ўртасидаги алоқаларни бошқариш	Меҳнатни ташкил этиш	Ижтимоий ривожланишни бошқариш

Шунга кўра, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни ходимларни бошқариш тизимининг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш, унинг барча бизнес жараёнларини моделлаштириш ҳамда оптималлаштириш босқичлари таснифини шакллантириш асосида такомиллаштирилди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчи-ходимларни бошқариш технологияларини таҳлил этиш ва баҳолаш ишлаб чиқилган бизнес-жараёнларга мувофиқ ўтказилади. Бизнес-жараёнларни оптималлаштириш бўйича иш бевосита уларни моделлаштириш босқичларида амалга оширилади. Моделлаштиришнинг асосий мақсади бўлиб, хизмат кўрсатиш корхонасини ишчи-ходимлар билан таъминланганлигини баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш корхонасини

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишчи-ходимларини самарасиз бошқариш корхона учун йўқотишларга ва аҳамиятли даражада рискни ошишига олиб келиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳар бир тизими бошқаришнинг аниқ функцияларини амалга оширади. Шунга кўра, соҳа корхоналарида хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишнинг функционал ва таъминловчи тизимлари (1-жадвал) ҳамда чизиқли бошқариш тизимини ўз ичига олувчи ресурсларни бошқариш тизимининг умумий таркиби ишлаб чиқилди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи ижтимоий ва иқтисодий омиллар, техник ривожланиши, қонунчилик талаби, рақобат муҳити, истеъмолчилар талаби ва ўзгаришларга таъсир этиш ҳолати билан боғлиқ ташқи ва корхонанинг ривожланиш стратегияси ва унинг фаолиятини ўзига хос хусусиятлари, ташкил этиш маданияти тури, корхонанинг молиявий имкониятлари ва ресурсларни ишлатиш учун харажатларнинг мақбул даражаси, ресурслардан фойдаланиш ёндашувлари, ресурсларнинг миқдор ва сифат тавсифлари билан боғлиқ ички омиллари таснифи ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тушуниш учун алоҳида унинг мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарурдир. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари ва шарт-шароитларини илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида унинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими меҳнат унумдорлигини ошиши, маҳсулотнинг меҳнат сиғимини пасайиши ҳамда ижтимоий самарадорликнинг статистик кўрсаткичлари асосида таснифланди.

Диссертация ишининг **«Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва динамикаси, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш илмий-услубий ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йуналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятда жами хизматлар ҳажми 2020 йилда 14318,7 млрд. сўмдан иборат бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йил кўрсаткичига нисбатан 82,3 %га ўсган. Вилоятда энг юқори ўсиш суръатларига эга соҳа ва тармоқлар сифатида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (5,9 марта), молиявий хизматлар (4,0 марта), яшаш ва овқатланиш хизматлари (2,4

марта), таълим хизматлари (2,5 марта), соғлиқни сақлаш хизматлари (2,1 марта) ҳиссасига тўғри келган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида хизматлар турлари бўйича ҳажми<sup>11</sup> (млрд. сўм)

Соҳалар ва тармоқлар	Йиллар					2020 йил 2016 йилга нисбатан ўсиш, (%)
	2016	2017	2018	2019	2020	
Жами хизматлар Шу жумладан:	7852,8	8237,6	9906,3	12786,8	14318,7	182,3
Алоқа ва ахборот-лаштириш	441,8	532,3	610,2	613,0	698,8	158,2
Молия хизматлари	515,9	657,3	996,1	1173,5	2077,9	4,0 марта
Транспорт хизматлари	2440,7	2504,2	2729,0	3155,0	3484,9	142,8
Шу жумладан: авто-транспорт хизматлари	2334,9	2365,3	2510,1	2874,3	3366,5	144,2
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	187,4	194,0	267,4	398,4	458,3	2,4 марта
Савдо хизматлари	2487,1	2492,1	3024,6	3288,5	4202,0	169,0
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	243,1	245,4	279,8	375,1	324,5	133,5
Таълим хизматлари	290,9	341,8	433,4	484,2	736,7	2,5 марта
Соғлиқни сақлаш хизматлари	105,5	112,6	135,8	178,4	225,3	2,1 марта
Ижара ва прокат хизматлари	304,6	305,8	355,6	406,2	414,2	136,0
Компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш	257,8	260,9	293,9	348,4	363,9	141,2
Шахсий хизматлар	340,4	342,0	419,3	480	552,6	162,3
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	50,2	52,8	87,0	142,5	296,9	5,9 марта
Бошқа турдаги хизматлар	187,4	196,4	274,2	350,5	482,7	2,6 марта

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг самарадорлиги унинг ташкилий-бошқарув ва ташкилий-иқтисодий жараёнларини оқилона ташкил этишига боғлиқдир.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси шундан далолат берадики, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлиги ва иқтисодий ўсиш хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва шароитларига боғлиқ бўлиб, бир қатор омиллар таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсишни интеграл баҳолаш усули меҳнат

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



унумдорлиги ва фондлар қайтими индекслари асосида интенсив ҳамда соҳада бандлар ва асосий фондлар индекслари бўйича экстенсив омилларни таққослаш орқали такомиллаштирилди.

Иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$I_r = \frac{I_{mu} \times I_{fq}}{I_n \times I_{af}}, \quad (1)$$

бу ерда:  $I_r$  – иқтисодий ўсишнинг умумий индекси;  $I_{mu}$  – меҳнат унумдорлиги индекси;  $I_{fq}$  – фондлар қайтими индекси;  $I_{af}$  – асосий фондлар индекси;  $I_n$  – соҳада банд бўлганлар индекси.

Агар  $I_r > 1$  бўлса, у ҳолда ўсиш нисбатан интенсив, агар  $I_r < 1$  бўлса, у ҳолда нисбатан экстенсив иқтисодий ўсиш бўлишини кузатиш мумкин.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида (транспорт ва алоқа хизмати, молия хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш) меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, банд бўлган ишловчилар ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда ушбу тармоқларда иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси ишлаб чиқилди (3-4-5-жадваллар).

### 3-жадвал

#### Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида меҳнат унумдорлиги ( $I_{mu}$ ) ва фондлар қайтими ( $I_{fq}$ ) даражасининг индекслари<sup>12</sup>

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари					
	Транспорт ва алоқа		Молия хизматлари		Савдо ва умумий овқатланиш	
	$I_{mu}$	$I_{fq}$	$I_{mu}$	$I_{fq}$	$I_{mu}$	$I_{fq}$
2016	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
2017	1,12	1,11	1,01	0,91	1,1	1,04
2018	1,1	1,02	1,02	1,02	1,1	0,99
2019	1,1	0,98	1,5	1,14	1,2	1,07
2020	1,12	1,01	1,2	1,01	1,1	1,0

Ушбу жадваллардан кўриниб турибдики, транспорт ва алоқа, молия хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими) таъсири бир мунча юқорирокдир. Меҳнат интенсивлигининг ўзгариши ҳам субъектив, ҳам объектив омилларга боғлиқ. Интенсивлик ишчи-ходимларнинг иродаси ва онги иштирокида ўзгаради ёки муайян сабабларга кўра, уни камайтириш ёки кўпайтиришни ходимнинг ўзи ҳал қилади. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида банд бўлганлар сони ( $I_n$ ) ва асосий фондлар ( $I_{af}$ ) динамикаси индекслари 1,0 коэффициентдан нисбатан юқори эканлиги экстенсив омиллар таъсири устунлигини ифодалайди. Меҳнатнинг экстенсивлик хусусиятлари бошқа хусусиятлар ўзгармаган ҳолда иш вақтидан фойдаланиш даражаси ва унинг сменадаги давомийлигини акс эттиради.

<sup>12</sup> 3-4-5-жадваллар Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва ҳисобланган.

#### 4-жадвал

### Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида банд бўлганлар сони ( $I_n$ ) ва асосий фондлар ( $I_{af}$ ) динамикаси индекслари

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари					
	Транспорт ва алоқа		Молия хизматлари		Савдо ва умумий овқатланиш	
	$I_n$	$I_{af}$	$I_n$	$I_{af}$	$I_n$	$I_{af}$
2016	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
2017	1,06	1,07	1,04	1,16	1,04	1,09
2018	1,01	1,08	1,04	1,05	1,04	1,15
2019	1,01	1,13	1,04	1,33	1,04	1,16
2020	1,01	1,12	1,02	1,30	1,04	1,14

Вилоятда бозор муносабатлари ривожланишининг дастлабки йилларида хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган (яъни, шу соҳада банд бўлганлар сони ва асосий фондлар миқдори). Шунинг учун ҳам вилоят хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини аниқлашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари		
	Транспорт ва алоқа	Молия хизматлари	Савдо ва умумий овқатланиш
2017	1,10	0,76	1,01
2018	1,03	0,95	0,91
2019	0,94	1,24	1,06
2020	1,00	0,81	0,92

5-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида 2017-2020 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсиш асосан интенсив омилларни ( $I_k > 1$ ) ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индексларининг ошиши ҳисобига ўсган. Лекин, таҳлил этилаётган даврлар оралиғида таҳлил этилаётган соҳа ва тармоқларда иқтисодий ўсишга интенсив омилнинг таъсири транспорт ва алоқа хизматлари соҳасида нисбатан ўсиш тенденцияси, молия хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида эса 2019-2020 йилларга келиб камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бу эса асосан кейинги даврларда молия хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида экстенсив омиллар таъсирининг ўзгариши ҳисобига ўсишни ифолайди. Жумладан, соҳада банд

бўлганлар ва мазкур соҳа тармоқларида асосий фондлар қийматини ошириш экстенсив ўсиш тенденциясига тўғри муносабатда таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора камроқ самара бериб боради. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорлик кўрсаткичларининг аҳамиятини ошириш ва ҳисобланиши ўзининг долзарблигини йўқотади, чунки хизмат кўрсатиш фаолиятида иқтисодий самарадорликка экстенсив омилларининг таъсири нисбатан устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш уларда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимларни моддий рағбатлантириш тизимини доимий такомиллаштиришни назарда тутаяди. Ушбу соҳада аниқ таклифларни ишлаб чиқиш учун меҳнат бозорининг мазкур соҳаси сегментидаги ўзига хос жиҳатларни ва уни тартибга солишнинг хусусиятларини ёритиб бериш зарур.


Инсон капитали назариясига мувофиқ маълумотнинг юқори даражаси даромадлар даражасига, яъни иш ҳақи даражасига мос келиши керак.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлагандан сўнг юқори иш ҳақи олишга йўналтирилган шахслар хизмат кўрсатиш соҳасида ўзларининг интеллектуал капиталини реализация қилиш имкониятига эга бўлмасдан, бошқа тармоқларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар.

3-расмда келтирилган чизмага назар ташласак, S эгри чизиғи муайян даврда юқори маълумотга эга бўлган жами ишчи кучининг фоизини ифодалайди. S<sup>1</sup> эгри чизиғи узоқ истиқболда олий маълумотга эга бўлган ишчилар таклифини билдиради. Назарий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, олий маълумотли ишчилар меҳнат ҳақидаги фарқ ўрта ёки ўрта махсус маълумотга нисбатан қанчалик катта бўлса, олий таълим муассасаларига киришни хоҳловчилар шунчалик кўп бўлади. Дастлабки мувозанат E нуқтага эришади. Қачонки, олий маълумотли ходимларга талаб D<sup>1</sup> чизикгача силжийди, иш ҳақидаги фарқ WD<sup>1</sup> гача ошади. Мазкур ҳолатда олий маълумот олишга интилувчи шахслар сони ошади, улар ўртасидаги рақобат натижасида иш ҳақи фарқи WD<sup>1</sup> гача пасаяди, бунда мувозанат даражаси E<sup>2</sup> нуқтага силжийди, яъни олий маълумотга эга аҳолининг улуши ортади.

Шундай экан, рақобат муҳити шароитида жами ишчи кучи таркибида олий маълумотга эга шахслар улушини тартибга солиш механизми юзага келади. Бироқ ҳозирги кунда республикамизда бундай механизм мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда ушбу механизм республикамизда амалда етарлича такомиллаштирилмаган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган меҳнат ресурсларини таҳлил этишнинг асосий мақсади якуний натижаларга эришишда самарадорликни ва истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш ва истиқболлаштиришнинг асосланганлигини таъминлаш ва меҳнат жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришдан иборатдир.



**3-расм. Олий маълумотли мутахассислар меҳнат бозори ва иш ҳақи ўртасидаги фарқ<sup>13</sup>**

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият йўналишларига кўра, таҳлил этилаётганлар ичида 2019-2020 йилларнинг 1 январь ҳолатида меҳнат унумдорлиги ҳажми энг кўп «Зебо класс сервис» МЧЖ (2019 йил – 124,5 млн. сўм, 2020 йил – 139,7 млн. сўм), «УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ» МЧЖ (2019 йил – 72,0 млн. сўм, 2020 йил – 83,5 млн. сўм), асосий фондлар рентабеллиги ҳам мос равишда ушбу корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Фондлар қайтими кўрсаткичлари бўйича юқори натижалар «Зебо класс сервис» МЧЖ (2019 йил – 1,62 сўм, 2020 йил – 1,63 сўм), «Сиёб деҳқон бозори» МЧЖ (2019 йил – 1,64 сўм, 2020 йил – 1,59 сўм), «УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ» МЧЖ (2019 йил – 1,22 сўм, 2020 йил – 1,30 сўм) корхоналари ҳиссасига тўғри келган (6-жадвал).

Инновацион иқтисодиётнинг асосини ҳозирги давр жамиятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган инсон капитали ташкил этади. Яъни инсон тафаккури ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тизимининг шунчаки муайян унсури бўлиб қолмасдан, балки бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

